

## ЯҚИН ШАРҚДАГИ ГЕОСИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ТУРКИЯ ИШТИРОКИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Ш.М.Бойхонов**

*М. Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети*

**Аннотация.** Мақолада Туркиянинг Марказий Осиё минтақасида ҳамда Кавказда икки давлат ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви юз бериши, шунингдек Туркиянинг Яқин Шарқ минтақасидаги геосиёсий жараёнлардаги иштирокини аввало ушбу омиллар билан изоҳлаш ҳамда бугунги Туркия Европа ва Осиё, Шимол ва Жануб ўртасидаги “кўприк” вазифасини ўташга асосланган сиёсатининг жорий ҳолати таҳлил қилиниб ва истиқболлари тўғрисида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** БМТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Яқин Шарқ, геосиёсий манфаат, сиёсий жараёнлар, ТИКА, МАГАТЭ, Халқаро ва минтақавий ҳамкорлик, сиёсий мулоқот, савдо-иқтисодиёт ҳамкорлик, транспорт ҳамкорлик, энергетика ҳамкорлик, Газо сектори, ХАМАС, Хизболлох.

## ПРИОРИТЕТЫ УЧАСТИЯ ТУРЦИИ В ГЕОПОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССАХ НА БЛИЖНЕМ ВОСТОКЕ

**Ш.М. Бойхонов**

*Национальный университет Узбекистана им. М. Улугбека*

**Аннотация.** В статье анализируется возникновение столкновения интересов между Турцией и двумя государствами Центральной Азии и Кавказа, а также участие Турции в геополитических процессах на Ближнем Востоке, прежде всего, с точки зрения этих факторов, и обсуждается текущее состояние и перспективы политики Турции, основанной на роли «моста» между Европой и Азией, Севером и Югом.

**Ключевые слова:** ООН, Организация исламского сотрудничества, Ближний Восток, геополитические интересы, политические процессы, ТИКА, МАГАТЭ, международное и региональное сотрудничество, политический диалог, торгово-экономическое сотрудничество, транспортное сотрудничество, энергетическое сотрудничество, сектор Газа, ХАМАС, Хезболла.

**PRIORITIES FOR TURKEY'S PARTICIPATION IN GEOPOLITICAL  
PROCESSES IN THE MIDDLE EAST**

**Sh. M. Boykhonov**

*M. Ulugbek National University of Uzbekistan*

**Annotation.** This article analyzes the emerging conflict of interests between Turkey and two Central Asian and Caucasian states, as well as Turkey's participation in geopolitical processes in the Middle East, primarily from the perspective of these factors. It also discusses the current state and prospects of Turkey's policy based on its role as a "bridge" between Europe and Asia, North and South.

**Keywords:** UN, Organization of Islamic Cooperation, Middle East, geopolitical interests, political processes, TИКА, IAEA, international and regional cooperation, political dialogue, trade and economic cooperation, transport cooperation, energy cooperation, Gaza Strip, Hamas, Hezbollah.

Туркия Республикаси (ТР) замонавий халқаро муносабатларнинг фаол иштирокчиларидан бири бўлиб, давлатнинг халқаро сиёсатда тутган ўрни нафақат минтақавий сиёсий жараёнлар, балки жаҳон сиёсати предметида турган муаммоларда актор давлат сифатида ўзини кўрсатиши билан ҳам боғлиқ. Бу жиҳатдан Туркиянинг Яқин Шарқ минтақасидаги геосиёсий жараёнлардаги иштирокини айтиш мумкин.

Туркия ташқи сиёсатида кўплаб араб давлатлари билан иқтисодий ҳамда сиёсий алоқаларни ривожлантириш бўйича бир қанча амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда. Жумладан, Миср, Иордания, Қувайт, Тунис, Мароқаш, Ливия, Уммон, Қатар ва Баҳрайн давлатлари билан. Туркиянинг алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича олиб бораётган ташқи сиёсати минтақа давлатларидан ташқари давлатларни ҳам қизиқишига сабаб бўлди [1]. Айниқса, Туркия ҳукумати вакилларининг Эрон ядро дастури ва Исроилнинг Ғазо секторини блокада қилганлиги бўйича билдирган фикрлари ҳозирги кунга қадар тебранишларга сабаб бўлмоқда.

Ўтган йилларда кўп маротаба Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлатларида, хусусан, Тунис, Миср, Баҳрайн, Яман, Ливия ва Сурияда мавжуд тузумдан норози бўлган халқ томонидан норозилик чиқишлари амалга оширилиб, тартибсизликларни келтириб чиқишига сабаб бўлган. Дастлаб ушбу воқеалар юзасидан Туркия ҳукумати вакилларининг нутқида минтақада демократияни ривожлантириш лозимлиги юзасидан чиқиш қилиниб, бу билан Туркия Яқин Шарқда бўлиб ўтаётган воқеаларга нисбатан нейтрал позицияда эканлигини билдирган.

Туркиянинг Яқин Шарқ давлатларига қилган экспорт миқдори [2].

(1 –жадвал) Туркия иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар фонди томонидан Яқин Шарқ давлатларида (Миср, Ироқ, Сурия, Ливан, Фаластин, Саудия Арабистони) ва Эронда, Туркияни Яқин Шарқдаги ўрни, Туркиянинг ЕИга аъзо бўлиши ва Туркия бошқа давлатлар учун намуна бўла оладими каби савол бўйича ўтказилган тадқиқотга асосан, сўровномада иштирок этганларнинг 75%и Туркияни минтақада дипломатия, иқтисод ва демократия соҳасидаги фаолиятини ижобий баҳолаб, 78%и Туркия минтақада янада катта рол ўйнаши кераклигини билдиришган.

1-  
жадвал

№	Давлартлар	Туркиянинг Яқин Шарқ давлатларига қилган экспорт миқдори (млн.долл.)						
		2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024
1	Ливан	846,2	765,2	665,1	688,7	618,3	730,3	866,2
2	Сурия	501,0	797,8	1 115,0	1 421,6	1 844,6	1 909,9	621,0
3	Ироқ	10827,7	10844,8	3 916,7	5 123,4	6 036,4	7 310,1	9827,7
4	Исроил	2 330,3	2 58,2	1 935,2	1 522,4	2 080,1	2 491,1	2 530,3
5	Иордания	771,1	789,3	460,7	455,4	571,3	496,8	9771,1
6	Саудия Арабистон	3 677,7	3 486,9	2 201,9	1 768,2	2 217,6	2 863,5	3 277,7
7	Қувайт	290,6	321,3	493,0	211,2	395,1	257,1	286,4
8	Бахрайн	208,8	276,7	308,2	113,6	172,0	169,4	201,5
9	Қатар	257,5	450,0	1 074,0	289,4	162,5	198,1	277,5
10	БАА	8 175,5	8 240,9	7 975,4	2 896,6	3 332,9	3 706,7	4 175,5
11	Уммон	268,6	291,8	215,8	105,5	129,3	176,1	228,6
12	Яман	486,0	474,3	353,6	379,3	330,4	277,7	496,3
13	Миср	3 679,7	3902,7	1 426,4	2 599,0	2 250,6	3 759,3	4 254,1
14	Эрон	9 922,6	10441,2	2 029,8	2 024,5	3 044,2	3 589,6	8 922,6
<b>Жами</b>		<b>27 488,5</b>	<b>42 243,2</b>	<b>24 170,8</b>	<b>19 598,9</b>	<b>23 185,4</b>	<b>29 735,7</b>	<b>45 736,5</b>

Сўровномада иштирок этганларнинг кўпчилик қисми Туркияни келажакда демократик давлат сифатида, иқтисодиёт соҳасидаги эришган ютуқларини инобатга олган ҳолда минтақада иқтисодий қудрати бўйича етакчи ўринни эгаллашини таъкидлашган. Демократия, ислом, ташқи сиёсат ва иқтисодиёт - бу Туркияни Яқин Шарқда ифода эттирувчи асосий тўртта индикатор ҳисобланади. Бу ҳозирги ҳукуматнинг ўзига яраша “моделли” бўлиб, Туркия президенти Р.Т.Эрдоғон томонидан, бошқа бирорта давлатга модель сифатида қарамаётганлигини билдирган.

Ҳозирги кунда Яқин Шарқ давлатлари олдида, давлат бошқарувини ривожлантириш, коррупцияга қарши курашиш, демократик институтларни



шакллантириш, эркин ва адолатли сайловларни амалга ошириш ҳамда самарали иқтисодий сиёсат олиб бориш масаласи турибди. Лекин, Туркиялик эксперт И.Калиннинг таъкидлашига кўра, араб давлатларининг ҳеч бири ушбу тадбирларни амалга ошириш учун Туркия ёки бошқа давлатларнинг кераги йўқ.

Туркиялик сиёсатшунос С.Кохен “Минтақада амалга оширилаётган ўзгаришлар Туркияга бир томондан минтақада фаол рол ўйнаши ва ўз таъсирини оширишига имконият берса, иккинчи томондан айрим давлатлари билан муносабатларини ёмонлашишини юзага келтириши” мумкинлигини билдирган [3]. Хусусан, ушбу сиёсатшуноснинг фикрига кўра, охириги кунда қонли воқеалар майдони бўлган Сурия билан муносабатлар ёмонлашишини мумкинлигини билдирган.

Шунингдек, Туркия ҳукумати вакилларининг Баҳраинга ташрифи давомида президент ва ташқи ишлар вазири билан учрашиб, амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашини, шу билан бирга, диний ихтилофларга қарши эканлигини билдирган. Диний ихтилофлар сиёсий мақсадларда фойдаланилса минтақада жиддий муаммоларни келтириб чиқиши мумкинлигини ҳамда дин инсонларни бир-биридан ажратмаслиги аксинча бирлаштириши лозимлигини айтиб ўтган[4].

Яқин Шарқ минтақасига нисбатан Туркия пайдо бўлгандан бери эҳтиёткорлик ва прагматик сиёсат олиб бориш принципига амал қилиб келмоқда. АТП томонидан ўзининг биринчи сайлов муддатида. (2002-2007 йиллар) асосан ЕИга аъзо бўлишга ҳаракат қилган бўлса, ўзининг иккинчи сайлов муддатида (2007-2011 йиллар) А.Довут ўғли томонидан ишлаб чиқилган “Стратегик теранлик” концепциясига асосан қўшни давлатлар билан муносабатларга ўзини минтақада етакчи ва тартибга келтирувчи куч сифатида барча соҳаларда нейтрал бирлаштирувчи бўлиб ҳаракат қила бошлаган[5], ўзининг учинчи сайлов муддатида (2011-2016 йиллар) Туркия Яқин Шарқга нисбатан ўзининг тажовузкорона сиёсатини амалга ошира бошлади, унинг фаол ҳаракатлари хусусан Ливия ва Сурия давлатларида кузатилмоқда.

Анқара томонининг Эронга нисбатан олиб бораётган ташқи сиёсати ғарб мамлакатларининг қарашлари таъсирида шаклланган бўлса, кейинчалик Туркия ҳам мустақил актор сифатида ўз қарашларини Эрон ядро дастурига нисбатан билдира бошлаган. Р.Эрдоғон ядро қуролига эга давлатларни Эронни танқид қилишдан олдин ўз давлатларидаги ядро қуролидан воз кечишни билдирган.

Туркия ҳукумати Эроннинг яширин ядро дастурини Исроилнинг ядро қуролига эга бўлганлиги билан солиштириб, МАГАТЭ томонидан Эронга нисбатан санкциялар қўллашга қарши овоз берган. Шунингдек, Туркия президенти Бразилия президенти билан биргаликда, Эрон ядро дастури бўйича алтернатив вариантларни таклиф қилишган.

Шу ўринда Туркия - Эрон муносабатларининг минтақага таъсири бўйича



тўхталиб ўтамиз.

Туркия АТПнинг ҳукумат тепасига келиши ва у томонидан ишлаб чиқилган “қўшнилари билан муаммонинг йўқлиги” концепциясини амалга ошири бошлаши билан иккала давлат ўртасидаги муносабатлар яхшилаша бошлаган.

Иккала давлат ўртасидаги муносабатлар ёмонлашуви 1979 йилда монархия режими ағдалириб, давлат тепасига шиа мазхабидаги дин вакилларининг келиши билан бошланган. Монархиянинг ағдалириши билан бирга Эрон ташқи ва ички сиёсатида ўзгаришлар юз берган. Икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашувининг чўққиси 1997 йилда Туркия томони Эронни ўзининг ички ишларига аралашаётганлигида айблаган даврга тўғри келади.

Ҳукумат тепасига АТПнинг келиши билан икки давлат ўртасидаги муносабатларни яхшилашга қаратган бўлса, илк даврларда бу мақсадлар тўлик амалга ошмади. Ушбу давлатларда икки давлат ўртасида айрим муаммолар мавжуд бўлган. Булар, Техрон томонидан ислом революцияси экспорти бўлиши мумкинлиги, Эрон томонининг КИПнинг ўз мамлакатидаги фаолиятига қаршилиқ кўрсатмаётганлиги ва собиқ иттифоқнинг парчаланиши билан Марказий Осиё минтақасида ҳамда Кавказда икки давлат ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви юз беришидир[6].

Турк профессори Камол Киришчининг фикрларига кўра, Эроннинг Туркиянинг курд ва диний масалаларда ички ишларига аралашиси минимум даражада бўлиб, иккала давлат халқаро миқёсда бир-бирига қарши чиқиши жуда қўпол эканлигини англаган ҳолда, иккала давлат ҳам бу даражага бормаслигини билдирган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидагиларни хулоса қилиш мумкинки, Эрон Яқин Шарқ минтақасида мўтадил ташқи сиёсат олиб бориб, ўзининг геосиёсий манфаатлари ва ғоявий қадриятларини ҳимоя қилишга қаратган. Эрон Сурия масаласида геосиёсий ва ғоявий манфаатлари мутаносиблигида олиб боришга ҳаракат қилмоқда. Расмий Техрон Сурияда агарда амалга ошириладиган реформалар ХАМАС ва “Хизболлох” ҳаракатларига таҳдид туғдирмаса, реформаларга қарши эмаслигини билдирган. Эроннинг сиёсати Сурияда қай даражада бўлишига қарамасдан амалга ошириладиган ўзгаришларига қарши бўлмасдан, фақат ғарбни ушбу масалага аралашувини чегаралашдан иборат бўлиб қолмоқда. Хусусан, Эрон томонидан олиб борилаётган сиёсатни Россия ва Хитой қўллаб қувватламоқда. Бу эса ўз навбатида Сурияда бўлиб ўтаётган воқеаларга нисбатан бир томонлама баҳо берилишини олдини олади.





**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Türkiye Cumhuriyet Merkez Bankası. Temel Ekonomik Gelişmeler. 2019 - <http://www.tcmb.gov.tr/>
2. Туркия Иқтисодиёт вазирлиги маълумоти. İstatistik ve Analizler - <http://www.ekonomi.gov.tr>
3. Тарасов.С. Путь к катастрофе: Ближний Восток перед лицом суннитско-шиитской войны - <http://www.yerkramas.org/2018/08/19/stanislav-tarasov-put-k-katastrofe-blizhnij-vostok-pered-licom-sunnitskoshiitskoj-vojny/>
4. «Азия и Африка сегодня», М., 2020 г. № 5, с. 6-9.
5. Ahmet Davutoğlu, Stratejik Derinlik: Türkiye'nin Uluslararası Konumu (Istanbul: Küre Yayınları, 2018).
6. Turkish Foreign Policy Towards Iran: Ideology and Foreign Policy in Flux, Aras Bülent, Journal of Third World Studies, Spring 2020, 18, 1, - <http://www.bulentaras.com/fp/files/buliran.pdf>